

# THE ROLE OF MODERN DIDACTIC AIDS IN TEACHING THE SUBJECT OF METAL-CUTTING MACHINES

A.Usmanov

Associate Professor of the Department of Technological Education of ChDPI

**Abstract:**

Teachers of technological education should be able to meet the requirements of their professional activities, such as knowledge, skills and use of metal-cutting machines. Metal-cutting machines are divided into 9 groups, each group has about 10 models, which are used in machine-building enterprises. According to some publications, the total number of metal-cutting machines is more than two thousand. It is impossible to imagine such a large number of machines without didactic tools and modern information technologies for the formation of knowledge, skills and abilities in students.

Үқитувчилар талаба ва ўқувчиларга ўқув материалини баён этишда дидактиканинг энг муҳим принциплидан бири кўрсатмалилик тамойилидан фойдаланишдир.

Дидактикада кўрсатмалилик тамойили канкrent билан абстрактнинг бирлиги тўғрисидаги қоида асосида кўриб чиқилади. Нарса ёки ходисанинг аслини ёки тасвирини идрок этиш инсон учун атрофдаги бирликни, бирор хақиқатни билишнинг дастлабки ва энг оддий акти хисобланади ҳамда ўрганилаётган нарсалар, жараёнлар, ходисалар тўғрисида аниқ тасаввурлар ва абстракт тушунчалар ҳосил қилиш учун асос вазифасини ўтайди.

Ўқитишининг кўрсатмаслигига сабаб инсоннинг фикрлаш ҳусусиятидир. Бу ҳусусият асосан конкретдан абстрактга томон ривожланади. Тушунчалар ва абстракт қонун – қоидалар конкрет кузатишлар натижаларига асосланса ҳамда улар билан мустахкамланса, анча осон ва тез шаклланади.

Кўрсатмалилик тамойили ўқитувчининг хилма – хил ўқув қўлланмалар ва ўқитишининг аудиовизуал техника воситаларидан фойдаланишда уларнинг педагогик жиҳатидан маъқул тарзда ясалишида акс етади.

Кўрсатмали қўлланмалар – талаба ва ўқувчиларни ўрганиладиган объектлар, ходисалар жараёнлар тўғрисида яққол тасаввурлар ҳосил қилиш методида ўқитиши мақсадида ишлатиладиган воситадир. Ўзлаштирадиган билимлар характеристига, ўқувчиларда мавжуд бўлган тасаввур, тушунча хаёт ва иш тажрибасига дарсни конкрет вазифаларига қараб кўрсатмали қўлланмалар ўқитишида хар хил ролни бажаради. Улар билимлар манбаи сифатида шунингдек ўқитувчи сўзлаб бериш тушунтириш сухбат вақтида фойдаланиладиган расм сифатида хизмат қилиши мумкин.

Металл кесиши станоклари фани ўқув материалинини баён этишда фойдаланиладиган техник воситаларни айримларини кўриб чиқамиз.

Ўқув киноси – ўқитишининг энг кўп тарқалган техник воситаси бўлиб объект ҳамда ходисаларни характеристда ва ривожланишда номойиш қилишга материални анализ қилиш ва умумлаштиришга, шунингдек, конкрет идрок этишдан абстракт идрок этишга ўтиш имконини беради.

Ўқув филмидан ўқитувчи ўқув материалини баён этишидан иллюстрация сифатида, сифатида, шунингдек ўқувчилар уни мустақил ўрганиши учун фойдаланиши мумкин.

Ўқув фильмни ёрдамида ўқув материалининг асосий жойларини ажратиб кўрсатиш талabalар ва ўқувчилар эътиборини шунга жалб этиш жараёнларини табиий вақт изчилигига эмас балки улар характеристини тушуниши учун энг қулай тарзда кўриб чиқиши мумкин. Ўқув фильмни бевосита кузатиб борилмайдиган ходисаларни кўзга кўринмайдиган даражада майдага заррага ва деталларга хар хил металл кесим станокларнинг ички тузилишини, узоқлашган нарсаларни жуда тез ёки жуда секин содир бўладиган ходисаларни кўрсатишга имкон беради. Хақиқатта жуда хам қисқа вақт давом этадиган воқеа ва ходисаларни кино воситалари ёрдамида секинлаштирилган суръатда номойиш қилиши (бу ҳол ўзгаришининг барча фазаларини кўздан кечиришга имкон беради) ва аксинча, бир неча соат кун ёки ой мобайнида содир бўладиганларни эса экранда бир неча секунд ёки минут ичида кўрсатиш мумкин. Овозли фильмни идрок этишда кўз хам, қулоқ хам фаол иштирок этади. Кўриш ва

Эшитиш айзоларига бир вақтда таъсир этиши ўқув кинофильмини ўқитишнинг бошқа воситаларидан ажратиб туради ва мухим дидактик вазифаларни хал қилишига имкон беради.

Кириш дарсларида, яъни талаба ва ўқувчилар ўргана бошлайдиган мавзу тұғрисида аник тасаввурға эга бўлмаган вақтда фильм намойиши қилиш ўқувчиларни ўқув материалы билан таништиришга, қизиқтиришга, уларда зарур эмоционал тайёргарчилик яратишга ёрдам беради.

Фильм билан ишлашнинг энг кўп тарқалган формаси янги материални ўрганиш жараёнида уни намойиш қилишдан иборат. Бу холда у ўқувчи баён етаётган материалга илюстрация бўлиб ёки информацийнинг мустақил манбай бўлиб хизмат қиласди. Янги материални ўрганиш жараёнида фильмни фойдаланишда, одатда у алохидаги лавхаларга бўлинади ва зарур бўлса, тушунтириш давомида улар намойиш қилинади. Бу хол талаба ва ўқувчиларнинг ўқитувчи баён этган материални образли қилиб тасавур этишига, чуқурроқ тушунишига имкон беради. Фильм ўқув материалы баён этиб бўлингандан кейин, ўрганилганларни умумлаштириш ва якуний иллюстрация қилиш мақсадида хам намойиш этилиши мумкин. Металл кесиш станоклари фанини ўрганишда фойдаланиладиган дидактик воситаларни шартли равишда асл ва тасвирий қўлланмаларга бўлиши мумкин.

Асл кўрсатма қўлланмалар сифатида, масалани ишлаб чиқаришда ишлатиладиган металл кесиш станокларини кабинет ва лабораторияларда кўрсатиш ҳамда машқ қилиш, кесувчи, назорат – ўлчов асбобларидан материал ва буюмларнинг намуналаридан, машина ва қурилмаларнинг узелларидан фойдаланиш мумкин. Асбоб – ускуналар (станоклар, қурилмалар, аппаратлар ва х.) иш ҳолатида ишлатиши мумкин бўлган даражасини ошириш мақсадида, кўрсатма қўлланмалар сифатида фойдаланиладиган асл объекtlар кўпчилиги маҳсус тарзда тайёрланади ёки ишлаб берилади: кирқимлар қилинади, айrim деталлар маҳсус рангга бўялади, кожухлари, қопқоқлари, корпусларида кузатиш дарчалари очилади ички бўшлиқлари ёпилади энг характерлийларига (мойлаш қўздан кечириш жойларига) сигнализатор – чироклар ўрнатилади, кожухалар, қопқоқлар, химоя тўсиқлари ва шу кабилар олиб қўйилади. Майда, шунингдек, бир типли асл объекtlар яшихларда ёки маҳсус стеналарда коллекция тарзда йигилиб, талаба ва ўқувчиларга кўрсатиладиган ёки тақсимлаб бериладиган қўлланма сифатида ишлатилади.

Объект, ходиса ва жараён аслидан кузатиб ўрганиш педагогика назарида идеал ҳисобланади. Аммо ўрганиши керак бўлганларнинг баъзиларидангина дарсда фойдаланиш мумкин. Шу сабабли, ўқув жараёнида тасвирий кўрсатма қўлланмаларидан кенг фойдаланилади. Улардан қўйидаги холларда фойдаланилади:

- Ўрганилаётган объекtnинг асли жуда катта ёки жуда кичик бўлганда (метал кесиш станоклари );
- Объект ки ходисаларнинг аслини кўриш мумкин бўлмаганда (металл кесиш станокларининг ички қисимларига ҳаракатлари )
- Мураккаб объекtlарни оддийлаштириш ёки ишлаш принципини кўрсатиш зарур бўлганда (кўрсатмалар схемалари станокларнинг кинематик схемалари ва шу кабилар ).

Ўқув жараёнида ўқитишнинг техника воситаларидан кенг кўламда фойдаланишнинг сабаби шуки, биринчидан, меҳнат воситалари (кино телевидение) талаба ва ўқувчиларга нихоятда кучли эмоционал таъсир кўрсатади, иккинчидан, ўқитувчи, талаба ва ўқувчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва енгиллаштириш талаб этилади. Бу талаб эса ўқитиш муддатлари ўзгармас бўлгани ҳолда ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, ўқув хақида малакалар хажимиини ошириб бериш заруратидан келиб чиқади.

Ўқитишнинг техника воситаларининг имкониятлари, методлари ва ишлатилиш усуллари синчиклаб ўрганилганда гин ўқув жараёнида улардан самарали фойдаланиш мумкин болади. Хар бир ўқитувчи бу воситалардан фойдаланишни билиши, бу соҳада тегишли, ўқув вамалакалар эга бўлиши керак. Таълимда ўқитишнинг техник воситаларидан педагогик жиҳатидан тұғри фойдаланиш учун тегишли шароит яратилиши зарур.